



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 1 октябрь, чоршанба

№88 (11.571)

Эркин нархда сотилади

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Кадрли муаллим ва мураббийлар, мухтарам устозлар!

Авваламбор, барчамиз учун қувончли бўлган мана шу қутлуғ айёмда сиз азизларни – бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаётган, эзгулик бунёдкори бўлмиш фидойи инсонларни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар кун билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Хурматли дўстлар!

Дунёда энг шарафли касб эгаси бўлган сиз – ўқитувчи, мураббий ва устозлар зоти асрлар давомида улуглаб, олжаноб меҳнатингизга юксак баҳо берилади, шаънингизга таҳсин ва тасаннолар айтилади. Лекин, барибир бу таърифларнинг барчаси сизларнинг инсон ҳаётида тугган ўрнингизни, унинг камолоти учун қилган буюк хизматларингизни тўла ифода этолмайди.

Чунки сизлар одамзот қалбига бу дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ноёб ва беқиёс бойликни жо этасизлар. Бу бойликнинг номи билим ва илму ҳунардир.

Сиз берган ана шу билим зиёси инсоннинг мураккаб ҳаёт синовлари ва турли машаққатлар олдида эсанкирамасдан, уларни сабот билан енгиб ўтишида куч ва мадад бўлади, умр йўлларини бамисоли маёқ бўлиб ёритади.

Шу боис, ер юзида қанча қийинчилик, су-

рону тўфонлар рўй бермасин, сиз каби минглаб фидойи одамларнинг машаққатли ва ҳалол меҳнати, инсоний ибрати туфайли то хануз маърифат ва эзгулик заволи билмай яшаб келмоқда.

Бугунги қутлуғ байрам арафасида биз фарзандларимизни илк бор мактаб ва лицей-коллежлар оstonасида бағрини очиб қутиб оладиган, уларга кунт ва меҳр билан сабоқ берадиган заҳматкаш муаллимларимизни, олий ўқув даргоҳларида ёшларимиз онгу тафаккурига илм-фан асослари билан бирга инсонийлик фазилатларини ҳам сингдирадиган мухтарам домлаларимизни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишимиз табиийдир.

Барча-барчамиз – бугун ҳаётдан муносиб ўрнини топган, элу юртга хизмат қилаётган ҳар бир инсон камолот йўлида, таъбир жоиз бўлса, унга зинапоя бўлиб, ўз елкасини тутиб берган сиз, хурматли устозлар олдида умрбод қарздормиз. Ва мен бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслигини истардим.

Бугун барчамиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол, она Ватани ва халқига садоқатли авлодни вояга етказиш, жондан азиз фарзандларимизнинг дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаслиги учун интилиб яшаётган эканмиз, шахсан мен бу улугвор вазифани адо этишда сизларни ўзимнинг маслақдош ва қўмақчила-

рим, бу борадаги энг асосий ҳал қилувчи куч, деб биламан.

Ҳозирги пайтда биз бутун жаҳонда эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастуриимизни изчиллик билан амалга ошира бориб, таълим соҳасида катта ютуқларга эришмоқдамиз.

Бу, авваламбор, умидимиз ва таянчимиз бўлган истеъдодли ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга кириштириб, Ўзбекистонимизнинг довуғини дунёга тараннум этаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Бундай улкан зафарлар учун барчамиз биринчи галда сизлардан – билимли, ўз касбига садоқатли, миллат ва халқ келажagini ўйлаб яшайдиган ўқитувчи ва мураббийлардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, савобли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Қалбингиздаги меҳр ва маърифат нури асло сўнмасин, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.

## МУАЛЛИМ — УЛУҒ СИЙМО



Муштараклик йилларида Ўзбекистонда баркамол авлод-ни вояга етказиш, йигит-қизларни миллий истиқлол йўлида, озад ва обод Ватанини ардоқлаш руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар ниятда изчил тус олд.

Миллий кадрлар тайёрлаш давлат дастури асосида таълим-тарбия соҳасида кенг қўламли ислохотлар бошланди. Таълим жараёни-ларига янги педагогик технологиялар тобора кўпроқ жорий этилмоқда. Компьютерлашган синфлар, дарс машғулотларини таъкил этишнинг замонавий техник воситалари, давлат таълим андозлари ўқитувчи-ўқувчи халқасидаги муносабатларга жонли баҳо, бевоқифлик, амалий ҳамкорлик сифатларини бағишламоқда.

Аммо, дарс машғулотлари қанчалик компьютерлашмасин, техника воситалари нечоғли мукамал бўлмасин, ўқитиш жараёни-ни бошқарувчи шундай бир сиймо борки, у ўз салоҳияти, маъқеи, аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Бу сиймо — ўқитувчи, мураббий, устоздир.

Кўни кеча вилоятимиз мактаблари, лицей ва кол-

авлодни тарбиялаш борасидаги ишларида муваффақиятлар тилади ҳамда ўқитувчи ва мураббийларнинг бир гуруҳига вилоят ҳокимлигининг махсус совғалари ва фахрий ёрлиқларини топширди.

Бу мукофотлар таълим-тарбия соҳасида яна ҳам ижодий файрат кўрсатиб меҳнат қилишга даъват этади, — деди парментлик устоз-ўқитувчи Нурииниса Зикирова. — Биз бу эътиборга жавобан ўқитиш жараёниларини такомиллаштириб, ёшларга чуқур билим бериш учун тинмай изла-на-миз, ўқувчиларни она-Ватанга садоқатли, меҳнат-севар инсонлар қилиб тарбиялаш учун куч-қувват, билим ва тажрибамизни аямиймиз.

Устозларнинг байрам шодиёналари вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кечгача давом этди. Жўрабек МУРОДОВ. СУРАТЛАРДА: устоз-ўқитувчиларнинг вилоят байрама-дан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган сура-тлар.

## МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 25 сентябрдаги «Ўқитувчилар ва мураббийлар кун муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатқўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони-га биноан бир қатор юртдошларимиз Ватанинг юксак мукофотлари — унвонлар, орден ва медаллари билан тақдирландилар. Улар орасида Тошкент вилоятидан ҳам қуйидагилар бор:

**«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»**  
Яъқубов Косим Мансурович — Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 11-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»**  
Ким Владимир — Тошкент вилояти Куйичирчиқ туманидаги 28-мактабнинг тарих ўқитувчиси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**  
Назаров Гайрат Назарович — Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 39-мактаб директори

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»**  
Ганиева Ирина Викторовна — Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан**  
Дүйсебаев Нурхан Нуртаевич — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 3-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

**«Меҳнат шухрати» ордени билан**  
Бегматова Халиниса — Тошкент вилояти Ўрта-чирчиқ туманидаги 13-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Тулаев Абдураб Аб-динович** — Тошкент вилояти Покент туманидаги 27-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

(Давоми 3-бетда).

**Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган мақолаларни газетамизнинг 3-саҳифасида ўқийсиз.**

Ўзбекистон — умумий уйимиз

## ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

Чирчиқ шаҳрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивалининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди

Юртимизда байрамлар кўп. Аммо, Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган бу фестиваль ўз мазмунини ва руҳини ниятда ҳокимлиги билан республика Байнал-милал маданият маркази ҳамкорликда ташкил этишди.

Байрамга вилоятимизда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ййгилишди. Шу кунни Кимёгарлар саройи олдидаги майдонда турли тилларда кизгин суҳбатлар бўлди. Аммо, ҳамма давраларда «Ўзбекистон» сўзи кўп бора тилга олинди.

(Давоми 2-бетда).

## ОФАРИН, СИЗГА!

Куйичирчиқ туманидаги «Жаҳонгир» ҳамда «Эсон» фермер хўжаликлари давлатга пахта сотиш шартнома режасини 2 иш кунинда бажардилар

Бу йил туманда пахта яхши бўлди. Қайси далага назар ташламанг, лўппи-лўппи очилган оппоқ пахталар кўзни қувонтиради. Пахтакорларнинг қайфиятлари ҳам шунга яраша. Улар бугун эрта тонгдан уюшқоқлик билан ййгим-теримга оммавий равишда киришди. Отни барвақтроқ қамчилаган фермер хўжаликлари жа, шартнома режаларини ҳозирданок ўздаб кўйдилар. Бунга қандай қилиб эришгани ҳақида фермерларнинг ўзлари шундай ҳикоя қилишад.



**Валижон ҲАКИМКУЛОВ,**  
Улуғбек номли ширкат хўжалигидаги «Жаҳонгир» фермер хўжалиги раҳбари:

— Муштарак фермер бўлиб, шунча меҳнат қилиб, бу йилгидек, қувонмаган эдим. Ҳаммаси, аввало, шарт-шароитга, қолаверса, астойдил ҳаракатга боғлиқ экан. Туманимиз раҳбарлари ўғит, ёқилги ва бошқа воситалар таъминотида узилишлар бўлмаслиги учун бутун чораларни кўрдилар. Биздан эса, ишнинг кўзини билиб, ҳар бир агротехник тадбирни вақтида ва маромига етказиб бажариш талаб этилди. Хуллас, бор куч ва имкониятлар гўза ривожини тезлаштиришга, кўпроқ ҳосил тўплаш ва унинг текис пишиб етилишига қаратилди.

Барака ҳаракатда деганларидек, ёз бўйи қилинган меҳнат бугун ўз самарасини берди. Бутун оиламиз аъзоларининг қувончи чексиз. Дарвоқе, биз том маънода оилавий фермермиз. Ота-онадан 5 ўғил, 5 қизимиз. Шундан 8 киши фермер хўжалигимиз аъзоси. Бошқача қилиб айтганда, бешта хўжалик, яъни бешта оиланинг рўзғори, тиркичилиги фермерлик орақсидан. Етиштирган ҳосилларини қанча тез ййғиб-териб, саранжомлаб олсак, шунча кўп даромад эгаси бўлишимизни яхши тушунамиз. Масалан, бу йил биринчи теримни 2 кунда якунладик. Бунинг учун Галаботир кишлоғи ахлидан жуда миннатдормиз. 150 киши ҳашарга чиқиб, 16 минг 210 килограмм пахта териб берди. Ҳосилдорлик 27 центнерданга тўғри келди.

Қувончлиси шундаки, ана шу пахтанинг ҳаммаси биринчи нав ва биринчи классга қабул қилинди. Мутахассисларнинг айтиши-га қараганда, унинг ҳар бир килограммига 240 сўмдан ҳақ тўланади. Демак, иккинчи теримда ҳосилдорлиқни 35 центнерга етказсак, пахтанинг ўзидан камида 3 миллион сўм соф фойда оламиз.



**Рифқат ЧАЙБЕКОВ,**  
«Меҳнатобод» ширкат хўжалигидаги «Эсон» фермер хўжалиги раҳбари:

— Агар деҳқон астойдил интилса, макса-дига, албатта, эришади. Ушбу ҳақиқат бу йил ана бир бор исботланди. Масалан, кўклам ҳар қанча оғир ва ташвишли келиб, иш кечга сурилмасин биз шартнома режасини сентябрдаёқ бажаришга эришдик. Бу муваффақиятни асосан икки омил билан изоҳлаш ўринли бўлади, деб ўйлайман. Биринчидан, биз муштарак фермермиз. Четдан ёрдамга муҳтож эмасмиз. Техника-миз етарли. Биттадан ДТ-75 ҳайдов тракто-ри, МТЗ-80 чоппик трактори ва «Енисей» комбайнимиз бор. Мен тўрт ўғлим ва бир қизим билан асосан дала ишлари билан шугулланамиз. Қариндошларим Мурод Ко-симов ва Аҳмаджон Мирзаалиев техникалар-ни бошқаришад. Демак, гўзани яйратиб парвариш қилиш учун зарур бўладиган бар-ча имкониятлар ўз қўлимизда.

Иккинчидан, теримни вақтида ва уюш-қоқлик билан бошлаш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Биз Зангар қишлоғи аҳоли-сининг ёрдамига умид боғлаган эдик. Ҳам-қишлоқларимиз ишончимизни оқлашди. Биринчи кун 70 киши теримга чиқди. Қабул пунктга 4,6 тонна пахта топшир-дик. Иккинчи кун теримчилар юз киши-дан ошди. Шу кун 7,5 тонна ҳосил йй-ғиштириб олинди. Учинчи кун тушда пах-та тугаб, биринчи терим якунланди. Уму-мий ҳирмонимиз 17 минг 460 килограммга етди. Ҳосилдорлик 29,1 центнерданга тўғри келди. Бу режадагидан 2 центнер орт-ик. Далада эса ҳали ҳосил кўп. Икки ҳафтадан сўнг, яъни қолгани ҳам обдон пишиб етил-гач, иккинчи теримга тушмоқчимиз. Уни ҳам уч кундан оширмай якунлаймиз. Шунда ҳисоб-китобимиз бўйича, ҳосилдорлик 40 центнерга боради.

Бугун нафақат Куйичирчиқ, балки, вилоятнинг бошқа туманларида ҳам омма-вий сафарбарлик эълон қилиниб, пахта ййгим-терими уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Эрта-индин 200 дан зиёд «Кейс» комбайнлари ҳам теримга сафарбар этилади.

Абдусамад ЙўЛДОШЕВ,  
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

## ҲАММАМИЗГА АЗИЗ, ЯГОНА

Қадим-қадим замонлардан буён бу заминда турли миллат вакиллари умргузаронлик қилишган. Зеро, юртимиз асрлар давомида бағри кенг бир диёр сифатида етти иқлимга маълум ва машҳур бўлган. Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларда испан ва хитой, рус ва француз, немис ва япон савдо-тижорат аҳли сайёҳларини тез-тез учратиш мумкин бўлган.

Биродарлиқни, меҳмондўстликни ўзининг олий мақсади деб билган ўзбек халқи турли йилларда Ўзбекистонга қўчириб келтирилган қрим татарлари, озарбайжонлар, корейслар ва бошқа халқларни, юз минглаб болаларни ўз бағрига олди. Бошқа миллатларнинг маданиятлари, урф-одатларига ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлинди. Мамлакатимиз тинчлиги, барқарорлиги, турли миллат ва элатларнинг бой аънавалари ривож топиши бугун мустақил Ўзбекистон халқларининг бир бутун аҳил оила бўлиб яшашлари билан узвий боғланиб кетди.

Бу фикрлар Кимёгарлар саройининг конференциялар залида ўтган давра суҳбатининг мағзини ташкил этди. Унда вилоятимиз шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари раҳбарлари қатнашишди. Давра суҳбатининг иштирокчилари ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одат ва аънаваларини сақлаб қолиш, бойитиш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириш масалаларини кизгин муҳокама қилишди.

Бу вазифани муваффақиятли амалга оширишнинг омиллари кўп. Миллий маданият марказлари шаҳар ва туманларимизда бу борада кенг қўлмали иш олиб боришяпти. Миллий аънавалар, турли миллатларнинг ўзига хос санъати, урф-одатлари вилоятимизда нашр этилаётган 39 та газета, шаҳарларимиздаги 5 та телевидение орқали кенг тарғиб қилинмоқда. Мактабларда болалар тожик, рус, қозоқ, қирғиз ва бошқа тилларда билим олишмоқда.

— Ҳар бир миллатнинг ўзига хос маданиятини тиклаш ва ривожлантириш учун Ўзбекистонимизда кўп иш қилинаёпти, — деди Чирчиқ шаҳар рус миллий маданият марказининг директори Любовь Мухаммадиева. — Мустақиллик йилларида биз ўз маданиятимиз, расм-русумларимиз ва одатларимизни чинакам англаб, идорак этиб, қадрига етиб яшаш имконига эга бўлдик.

Чиндан ҳам миллий маданият марказлари тўлақонли фаолият кўрсатиши учун Чирчиқда катта ишлар қилиняпти. Улар учун яхши жиҳозланган бино ажратилганлиги, айниқса, муҳим аҳамиятга эгалиги давра суҳбатида қайта-қайта таъкидланди.

Бошқа шаҳар ва туманларда иш олиб бораётган тожик, қозоқ, корейс миллий маданият марказларининг раҳбарлари ҳам давра суҳбатида ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашишди. Шу билан бирга иштирокчилар миллий маданият марказлари фаолиятини янада жонлантириш вазифаларига алоҳида урғу беришди.

— Олмалик шаҳрида рус миллий маданият маркази самарали иш олиб бориш учун жуда катта имкониятларга эга, — деди шу марказ директори Светлана Иерусалимцева. — Лекин бошқарди, таттар, корейс маданият марказлари фаолиятини жонлантиришимиз керак. Мана, бу ерда эшитдикки, Чирчиқда барча маданият марказлари учун катта бир бино ажратилибди. Бу тажрибани ҳамма шаҳар ва туманларда қўллаш, ягона байналмилал марказлар ташкил этиш мавриди келди, деб ҳисоблайман.

— Фаолиятимиз самараси сифатида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда кўпчилик корейслар ўз она тилида ёзиб-ўқий олади, — деди корейс миллий ма-

даният марказининг директори Цой Иосиф. — Бирок, бугун бошқа бир муаммо бизни ташвишга соляпти. Бу — ёшлар билан ишлаш муаммоси. Ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ўсиб бораётганлиги сир эмас. Шу сабабли миллий маданият марказлари ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқлари керак. Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясида изчиллик, яхлитлик етишмаяпти. Болаларнинг бўш вақтларини ташкил этиш билан жиддий шуғулланмоқ лозим.

Давра суҳбати пировардида бир фикрга келинди. Уни вилоят ҳокими Умнат Мирзакулов шундай ифодалади:

— Тошкент — кўп миллатли вилоят. Биз ҳар бир миллатнинг раванқ топиши, миллий ўзлигини намоён этиши учун нимаки лозим бўлса, шуни қиляпмиз. Бино, алоқа ва бошқа техника воситаларини ажратяпмиз. Мақсад — ҳар бир миллат вакиллари ўз маданиятини, урф-одатини сақлаб, уни янги мазмун билан бойитишга эришишлари лозим.

## АМАЛИЙ САНЪАТ — АЗАЛИЙ САНЪАТ

Фестивалда вилоят шаҳар ва туманлари миллий маданият марказлари ўз амалий санъат асарлари кўргазмасини намойиш этишди. Амалий санъатга иштиёқни болалардан уйғотиш, кичкинтойларни унинг бирор аниқ йўналишига жалб этиш болалар боғчаларидан бошланади.

# ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

Чирчиқ шаҳрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивалининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди

Шу жиҳатдан Чирчиқ мактабгача тарбия муассасаларининг кўргазмаси нихоятда бой, улар намойиш этган амалий санъат асарлари йўналиш ва нафислиги жиҳатидан ажралиб турганлигини эътироф этиш керак.

— Шаҳримизда 38 та мактабгача тарбия муассасаси бор, — деди Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлимининг услубчиси Дилором Жуманова. — Бу масканларда бугун 5017 нафар бола тарбияланмоқда. Улар халқ амалий санъатининг муайян йўналишларида ўз иқтидорларини намоён

этишлари учун тўғараклар орқали иш олиб бориш кенг йўлга қўйилган. Ўзбек, қозоқ, рус, тожик, корейс ва бошқа миллат болалари ўйинчоқлар ясашга бирдек қизиқишади. Шаҳримизда боғча болаларининг «Севимли ўйинчоқ», «Жарангдор овозлар» кўрик-танловларини ўтказиш аънава бўлиб қолган.

Шу ерда Бўстонлик қозоқ маданият маркази кўргазмасини кўздан кечириб

бўлди. Фестивалнинг бадиий қисми бу туйғуни улуғловчи қўшиқ билан бошланди.

## «ҲЕЧ ҚАЧОН САФЛАРИМИЗ БУЗИЛМАСИН»



— Вилоятимизда яшаётган миллат ва элатлар миллий ўзлигини англаб, ўз тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайламоқда, — деди фестивалнинг бадиий қисмини очаётиб Тошкент вилоятининг ҳокими Умнат Мирзакулов. — Улар Ўзбекистон ўзларининг Ватани эканлигини тобора теранроқ ҳис этмоқдалар, улар миллий маданиятлари гуллаб-яшнашини шу Ўзбекистоннинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаши билан ҳақли равишда боғламоқдалар. Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида меҳнат қилиб, фарзандларини миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашяпти. Мана бугун шу маданият қононасида турли миллат вакиллари ўз санъатларини намойиш этиб, ўз миллатининг ҳаёти, тарихи, маданияти, урф-одатлари билан кенг жамоатчиликни таништирамоқдалар.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивали рус аёллар ансамблининг чиқиши билан бошланди. Улар турли тилларда ижро этган лапарлар залга йиғилганларнинг гўлдурас қарсақлари билан олқишланди. Чирчиқ болалари ижросидаги «Рус ҳазил рақси» ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Олмалик шаҳрининг фольклор-этнографик дастаси ижро этган «Сударушка» қўшиғига залда бефарқлар бўлмади.

Марказий Осиё мамлакатлари оқинлари айтишувининг ғолиби қибрайлик Қўлмадон Дуйсенов саҳнага чиқди. Дўмбиранинг оҳанглари тиниқ тоғ насимини, қулунларнинг туёқ дупурини, қозоқ ўтовларидаги шўх-шодон базмлар руҳини элганга олиб киргандек бўлди. Оқин юрт тинчлиги, эл ободлиги ҳақида, дўстлик, қон-қардошлик ҳусусида кўйлади. Бу қўшиқ уч оқин айтишувига уланди. Ўзбекистон, унинг истиқболи тинчликда, тотувликда эканлиги унда ўз ифодасини топди. Оқинларнинг хиргойиси санъат қононасига йиғилганлар қалбига акс садо берди:

«Ҳеч қачон сафларимиз бузилмасин...» Ангреннинг «Шанс» шоу-балет гуруҳи, татар миллий маркази «Қайтарма» дастасининг чиқишларида Дўстобод шаҳридан келган корейс маданият маркази «Мокна» — «Оқул» ансамблининг «Сондияба» қўшиғи уланди. Бу ҳамдўстлик, турли миллатларни бирлашишга даъват этувчи фалсафий қўшиқ эди. «Келинг, қўлни қўлга берайлик, — деб қўйлашарди корейс хаваскорлари, — елкаларимиз қудратини ҳис этайлик. Фақат шундагина барча миллатларнинг бирлиги намоён бўлади».

Кейинги рақс бу қўшиқнинг мантиқий давоми бўлди. Чирчиқлик хаваскорлар ижро этган «Халқлар дўстлиги» рақсида турли миллатларга хос ўйинлардан парчалар ижро этилди. Фестиваль Оққўрғон тумани «Кувонч» дастасининг «Дўстлик» рақс композицияси билан якунланди.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивали вилоятимизда яшаб, меҳнат қилаётган барча миллатларнинг ягона оила туйғусини яна бир бор ёрқин намоён қилди. Бу туйғу миллий аънавалар тобора бойиб, миллий маданият ва санъат раванқ топиши учун ишончли асосдир.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивалида республика Байналмилал маданият марказининг директори Темуралимов иштирок этди.

Жўрабек МУРОДОВ,  
Еркебой БОТИРОВ (суратлар),  
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

## ҚАСАМЁД

Чирчиқ шаҳрида сафарбарлик чакируви резервидаги жаббоқ аскари  
вилоят ёшлари ҳарбий қасамёд қабул қилди.



Маълумки, Куролли Қўчларимизда амалга оширилаётган ислохотлар ичхам, тезкор армияни шакллантиришни кўзда тутди. Эндиликда муддатли ҳарбий хизматга қўллаб йигитларни чақиришга ҳолат йўқ. Аммо, армияга бориш ҳар бир йигитнинг орсиз ҳисобланади. Муддатли ҳарбий хизматга бориш учун эса кўрик-танловдан ўтиш барчага ҳам насиб этавермайди. Шу маънода ҳарбий хизматни ўташда сафарбарлик чакируви резерви жорий этилиши Ватан раванқига ҳисса қўшишни истаган ўғлонларга берилган яна бир имкон бўлди.

Яқинда Чирчиқ гарнизонида шу ниятда сафарбарлик чакируви резервидаги ҳарбий хизматга жалб этилган вилоят ёшларининг ҳарбий қасамёд қабул қилиши муносабати билан тантаналар бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги, Тошкент ҳарбий округи, Мудофаа ишлари бўйича бошқарма раҳбарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар иштирок этдилар. Маросимда қатнашган Тошкент ҳарбий округи қўмондонни, генерал-майор Баҳодир Тошматов Ватан ҳимоячилари сафидан ўрин олган йигитларни юксак шараф билан табриклади. Сафарбарлик чакируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаётган ўғлонлар она-юрт учун жон ва танни аямасликка йиғилганлар олдида қасамёд қабул қилдилар. Улар номидан сўзга чиққан Дилшод Душаев ўзларига билдирилган ишончни келгусида шараф билан оқшларини таъкидлади. Тантанада Чирчиқ шаҳридаги 21-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқувчилари тайёрлаб келган қўй ва қўшиқларини, вилоят гимнастикачилари терма жамоаси, шаҳардаги «Кимёгар» спорт мажмуи доздорчилари эса ўз кўргазмали чиқишларини намойиш этишди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

## Кўргазма

## НАТО РАҲБАРИ НИГОҲИДА

Тошкентдаги Замонавий санъат марказида «Ўзбекистон-Шотландия НАТО раҳбари нигоҳида» фотокўргазмаси очилди. Ушбу кўргазмада НАТО бош қотиби лорд Жорж Робертсоннинг фотосаҳифалари намойиш этилди.

Маълумки, НАТОнинг қароргоҳи Бош қотиби лорд Жорж Робертсон дунёда машҳур сийosat арбобларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга у фотграфия санъати билан ҳам жиддий шуғулланишга, голф ўйнашга ва бадиий китоблар ўқишга ҳам вақт топа олади. Аммо, Ж. Робертсон шу вақтгача ҳеч қарорда ўзининг фотокўргазмасини ўтказмаган эди, «Ўзбекистон-Шотландия НАТО раҳбари нигоҳида» фотокўргазмаси унинг биринчи шахсий кўргазмасидир.

Фотокўргазманинг очилиш маросимида лорд Жорж Робертсон сўзга чиқиб, ўзининг биринчи кўргазмаси айнан Ўзбекистонда ўтказилаётгани унинг шу юртга бўлган ҳурмат-эътироби раъзи эканлигини, бу тарихий юртининг ажойиб обидалари, меҳмондўст

Мухаббат ЙУЛДОШЕВА.

## Истеъмолчи

## «МЕНГА ЯШАШНИ ЎРГАТИНГ!»

Вилоят касб-ҳунар таълим бошқармасида шаҳар ва туманларимиздаги барча коллеж ҳамда лицейларда «Иқтисод асослари» курси бўйича дарс берувчи ўқитувчилар учун ўқув-семинари ташкил этилди.

Уни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ҳудудий бирлашмаси, вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ходимлари ташкил этишди. Асосий эътибор жойларда ушбу курсларда ўқув жараёнини янада тақомиллаштириш, зарур адабиётлар билан таъминлаш ишларига қаратилди. Мутахассислар талабаларнинг ушбу қонунни чуқурроқ ўрганишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳусусида гапиришди. Шунингдек, талабаларнинг олган билимларини синов тарқасида текшириш, энг яхши ўзлаштирган ўқувчини аниқлаш ва ғолибларни рағбатлантириш мақсадида мутасил кўрик-танловлар ўтказиб бориш лозимлиги ўқдириб ўтилди. Қатнашчиларга янада қизикариш дарс услубларини ташкил этиш юзасидан тавсия, тақлифлар ҳамда уларни қизиктирган саволларга жавоблар берилди.

Ўз мухбиримиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).



1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

# МУКОФОТ МУБОРАК!

**II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Ким Светлана** — Тошкент вилояти Янгийул туманидаги 1-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

**«Дўстлик» ордени билан**

**Горбанева Валентина Васильевна** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 18-мактабнинг физика ўқитувчиси

**Рязанцева Елена Геннадьевна** — Тошкент вилояти Янгийул шаҳридаги 3-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**«Шуҳрат» медаллари билан**

**Алматов Рисбой Тожибович** — Тошкент вилояти Бўка туманидаги 34-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

**Глушкова Любовь Михайловна** — Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Зукирова Нуриниса** — Тошкент вилояти Паркент туманидаги 5-ихтисослашган мактабнинг математик

(Давоми. Боши 1-бетда).

ка ўқитувчиси  
**Мирсоатова Хафиза Абдуллаевна** — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 23-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси  
**Миртожиев Меливай** — Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги 14-мактабнинг география ўқитувчиси  
**Одинаматова Дилором Эргашевна** — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 12-мактабнинг рус тили ўқитувчиси

**Рахимова Мухтабар Каюмовна** — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 22-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

**Халилова Турсунбой** — Тошкент вилояти Окқўрғон туманидаги 6-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

**Хлынова Валентина Васильевна** — Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 11-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Худайназарова Мукаддас Орзиматовна** — Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 6-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Шогирдлар устозлар ҳақида

## БИР УМР ТАЪЗИМДАМИЗ

Ҳар бир инсон мактабни тугатиб, катта ҳаётда ўз ўрнини топганида ўқувчилик даврини, устозларини тез-тез эслайди. «Сиз ўз мураббийларингиз ҳақида нималар дея olasиз?» — «Тошкент ҳақиқати» мухбири шу савол билан қатор газета муштарийларига мурожаат қилди. Қуйида уларнинг жавобларини ўқийсиз.

**Жонсаид ТУРДИЕВ,**  
«Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти Қалмоққир кони экскаватор машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Қаҳрамонлик нишонимни ҳар сафар қўлимга олганимда, биринчи синфдан менга харф танитган ўқитувчиларимдан тортиб, иш жараёнида менга мураббийлик қилган инсонлар кўз олдимга келади. Чунки, менинг бу юксак уновим улар меҳнатининг махсулидир.

Ҳозирги кунда республикамизда амалга оширилаётган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг самараларини ҳар қадамга қўриб-билиб турибмиз. Ўзгиргани англ

**Исмоил СУЛТОНОВ,**  
Зангиота туманидаги асфальт-бетон заводининг ҳайдовчиси:

— Ёшлик, айниқса, ўқувчилик даврим жуда кизиқarli утган. Бунини мен ўрта мактабни тугатганимдан сўнг ҳис қилдим. Гарчи устозлардан ўша пайтда даққи еб, ҳафа бўлган бўлсам-да, улгайиб, катта ҳаётга қадам қўйгач, уларнинг бу хатти-ҳаракатлари мени тўғри

лаган, илмга чанқоқ, интилувчан янги авлод воёга етмоқда. Бунда ўқитувчиларимизнинг ўрни бекиёсдир. Улар борки, униб-ўсиб келатган авлод ўқимишли, баркамол инсонлар бўлиб камол топади. Устозлар тўғрисида ҳаётда ўз ўрнини эгаллайди. Мен барча ўқитувчи ва мураббийларни бугунги байрамлари билан чин юракдан табриклаб, уларга узоқ умр, сийхат-саломатлик тилайман.

# БЕКОБОД ШУҲРАТИ

Бекобод шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг педагогик жамоаси «Энг намунали мактаб» вилоят танловида биринчи ўринни эгаллади

— Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг асосидир, — деди 2-мактаб директори Ҳамида Раҳимова бизни педагогик жамоанинг сатй-ҳаракатлари билан таништираётгани. — Таълимнинг янги тизими, миллий моделига асосланган кадрлар тайёрлаш дастурининг вази-фаси шундай. Жамоамиз таълимни тақомиллаштириш борасида олиб бораётган изланишлар асосан янги педагогик технологияларни муваффақиятли ўзлаштиришга йўналтирилмоқда...

Дарҳақиқат, бу билим даргоҳи нафақат металлургия шаҳрида, балки вилоятда ибратли педагогик марказлардан бири ҳисобланади. Унинг бағрида билим олганлар орасидан ўнлаб фан докторлари ва номзодлари етишиб чиққан. Шаҳар банкининг бошқарувчиси Ш. Қари-мова, мактабларнинг раҳбарлари Дилора Яхшибоева, Шавкат Боязитов, Людмила Бригдаловалар шу даргоҳда таълим ва тарбия олишган. «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ши-



## ДУНЁНИ ТАНИТАЁТГАН ИНСОН

Ота-она болани дунёга келтиради. Ўқитувчи эса, болага оламни танитади. Шундай бағрикенг устозлардан бири — Оҳангарон туманидаги 27-умумтаълим мактабининг география ўқитувчиси Ҳамза Сатторовдир. У ўқитувчиликни касб эмас, умр мазмуни деб билади. Мана 35 йилдирки, у ёшларга дунёни танитади. Унинг фидойи меҳнати муносиб тақдирланди. Муаллим 2002 йили Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» шарафли унвонига сазовор бўлди. Ўтган йиллар ичида унинг 60 га

яқин шогирдлари устоз изидан боришди, зукко ўқитувчи бўлиб етишибди. Ҳозирги кунда Абдусаммад Алматов, Моҳира Одилова, Замира Аҳмедовалар энг яхши педагоглардир. Ҳамза ақанинг саккиз фарзандидан беш нафари ўқитувчилик касбига сadoқат билан меҳнат қилиб, баркамол ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

**СУРАТДА:** халқ ўқитувчиси Ҳамза Сатторов ўқувчилари даврасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг келажаги ёш авлодининг қандай таълим олишига ва қай тарзда тарбияланишига дахлдор бўлади. Бугунги кунда йигит-қизларни миллий мустақиллиқни мустаҳкамлаш руҳида тарбиялаш олдимида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шахс маънавиятини тарбиялаш ва ривожлантириш йўли, энг аввало, оиладан бошланиб, мактабда давом эттирилади. Мактаб — мукаддас даргоҳ. Мурғаккина болалик давримизда ота-оналаримиз яхши ният, юксак ихлос ва муҳаббат билан унинг оstonасига етаклаб боришган. У ерда ширинсуз устоз-мураббийларимиз бағрикенглик билан қарши олишган. Илмга, китобга бўлган меҳримизни қонди-

риб, қалбларимизга йўл топишган. Шу боис, давраларда устоз ҳақида гап кетса, аввало, мана шу даргоҳдаги мураббийларимизни ёдга оламиз.

Тенгдошларим билан илк бор мактаб остона-

риб, қалбларимизга йўл топишган. Шу боис, давраларда устоз ҳақида гап кетса, аввало, мана шу даргоҳдаги мураббийларимизни ёдга оламиз.

Тенгдошларим билан илк бор мактаб остона-

риб, қалбларимизга йўл топишган. Шу боис, давраларда устоз ҳақида гап кетса, аввало, мана шу даргоҳдаги мураббийларимизни ёдга оламиз.

## 50 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ УЧРАШУВ

**Ангрена Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни ҳамда Халқаро қариялар кўнига бағишлаб турли тадбирлар ўтказилмоқда.**

Хусусан, Дукент кўрғонидаги 41-мактабда ушбу таълим масканини

1953 йилда тугатган 30 нафар синфдошларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Ярим асрлик умр давомида ўзлари ҳам шириндан-шакар набираларнинг бобосига айланган кексалар ўртак олса арзигулик ўз ҳаётий

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

сига қадам қўйганимизга ҳам йигирма йил тўлибди. Биз таълим олган даргоҳ Зангиота туманидаги Нодира номли 15-умумтаълим мактабидир. Ўн йил давомида қанчадан қанча ўқитувчиларимиз билан

## «МУШТУМ» ҲАМИША НАВҚИРОН

**Поштахтдаги Фафур Фулом номли маданият ва истироҳат боғида «Муштум» журнаlining 80 йиллиги ва «Афанди» газетасининг беш ёшга тўлиши муносабати билан катта байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Унда узоқ йиллар ушбу нашрларда меҳнат қилган, унинг шундай мавқега эришишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган қалам аҳллари, шунингдек, республикаимз вилоятларидаги «Муштум» мухлислари иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар бу нашр халқимизнинг оғир ва енгил кунларини кулги билан енгиб келаётганини, ҳатто, бошқа нашрларнинг чиқиши тўхтаб қолганида, бу журнал ўз ишини давом эттиргани ҳақида ва келажақда ушбу икки нашр ўз ижодий фаолиятини замонвий руҳда давом эттириши кераклиги ҳақида гапириб ўтишди.

Тадбир давомида ижод-

корлар орасида шохмат турнири бўлиб ўтди. Унда биринчи ўрин Эркин Воҳидовга, иккинчи ўрин Раҳматилла Иноғомовга ва учинчи ўрин Насриддин Мухаммадиевга насиб қилди.

«Афанди-шайх» қизикчилар гуруҳи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Хожибой Тожибоев, Мирзабек Холмедов, қизикчилар Валижон Шамсиев, Шукрулло Исроилов ҳамда хонандалар Нодир Турсунов, Собиржон Мўминов, Азиза Ниёзматова, Нуриддин Ҳайдаров, Эркин Рўзматов каби таниқли санъаткорларнинг чиқишлари даврга янада файз бағишлади.

Гўзал СОЛИЖОНОВА.



«Ҳамдўстлик» клубида

## НАЗМ ВА НАВО УЙҒУНЛАШГАНДА

**Тошкент вилояти Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Ҳамдўстлик» клубида Польша назм ва мусика кечаси бўлиб ўтди. У Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон — Польша халқаро ассоциацияси ва «Ҳамдўстлик» клубининг ташаббуси билан ташкил этилди. Кечада «Хориждаги поляк поэзияси» антологиясининг тақдими ҳам бўлди.**

Кечани Польша Республикаси элчихонасининг консули жаноб Ян Сорока очди. Канада фуқароси, польша адабиёти, маданияти ва тарихи бўйича қатор асарлар муаллифи Ольга Медведева мўйайн сабабларга кўра дунёнинг турли давлатларида яшаб, ижод қилган поляклар, уларнинг бой адабий мероси билан йиғилганларни таништириб, Юван Тувим, Владислав Гроневский, Вежинский, Анна Фрейлих ва бошқа шоирларнинг шеърларидан ўқиб берди.

Кечада жаҳонга таниқли поляк бастакорларининг мусикалари янгради. «Ўзбекистоннинг ёш талантлари» камер оркестри Шопен асарларидан намуналар ижро этди.

Ўз мухбиримиз.

## ДАВРА СУҲБАТЛАРИ

**Айни кунларда туманларда вилоят хотин-қизлар кўмиталари ташаббуси билан оилада аёлларга нисбатан муомала, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбатлари ҳамда ўқув семинарлари бўлиб ўтмоқда.**

Яқинда шундай тадбир Паркент туманида ҳам уюштирилди. Унда ички ишлар, соғлиқни сақлаш идоралари ходимлари, ФХДЭ мудиралари, имом хатиблар ва маҳалла оксоголлари иштирок этишди.

Ўқув семинарида асосий эътибор «Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик масалалари бўйича гендер тасвирчанлигини ошириш» лойиҳасидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилди. Шунингдек, тадбирда турмушда учраб турадиган зўравонликларнинг оилага, фарзанд тарбия-

Камолитдин АСҚАРОВ.

## ТУҲФА

**«Соғлом авлод учун» ҳамда «Қувват» халқаро хайрия жамғармаларининг ҳамкорлигида навбатдаги тадбирида кам таъминланган оила фарзандлари хушнуд этилди.**

Тумандаги 9-, 11-, 12-, 31- ҳамда 32-мактабларнинг бошланғич синф ўқувчиларидан 50 нафарига бир неча турдаги кийим-бошлар топширилди.

## ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МАШҒУЛОТ

**Тошкент тумани «Тадбиркор аёллар» уюшмасининг Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган семинар-машғулотли омиқорлик асосларига бағишланди.**

